

Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида

21:14 / 24.04.2016 5348

Турли нарсаларнинг, масалан, китоб, мақола ёзиш, эшиттириш, кўрсатув тайёрлаш, ихтиролар қилиш ва шунга ўхшаш нарсаларнинг муаллифлик ҳуқуқини-ҳаққини ҳимоя қилиш дунё бўйича кенг тарқалган. Мана шу маънога Ислонда қандай қаралади?

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТЎҒРИСИДА

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Бу саволга жавоб беришдан олдин шуни айтиб ўтиш керакки, муаллифлик ҳаққи, ҳақийқатан, дунё бўйича тан олинган ҳаққ. Муаллифнинг ҳаққини поймол қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, балки бу нарса барча давлатларнинг қонуни бўйича жазогатортиладиган жиноят ҳисобланади. Ислон дийнида бунга қандай назар билан қаралади? Жавобни батафсил айтишдан олдин ҳозирги кундаги аҳволимизга назар солишимиз керак. Айниқса, дийни маҳкам тутишни даъво қилаётган, дийни адабиёт ва шунга ўхшаган нарсалар билан савдо қилаётган жамоани, ўша ишда иштирок этадиган одамларнинг ҳолатини алоҳида кўриш керак бўлади. Чунки, бу соҳада муаллифлик ҳаққи нима эканлигини умуман эътиборга олмайдиган одамлар 100 бўлмаса ҳам 95 фоизни ташкил қилади. Улар: «Муаллифнинг ҳаққи йўқ, ким кўлига нима тушса, шуни кўпайтириб сотса, дийнга хизмат қилаётган бўлади», деган даъвони қилишади. Ўзларини тақводор қилиб кўрсатишади, намоз ўқиб, рўзатутаётганлик даъвосини қилишади, Худонинг йўлида хизмат қилаётганлик даъвосини қилишади, лекин ўзларидан кўпроқ Аллоҳнинг йўлида хизмат қилаётган, китоб ёзаётган, кечалари ухламасдан кўзининг нуруни тўкиб, йиллар давомида йиғиб-териб, ёзиб, китоб ҳолига келтириб, бозорга қўйган ёки сотиб ўз меҳнатининг самарасини бироз кўрмоқчи бўлган кишиларнинг ҳаққини ваҳшийларча поймол этишади. Қўлга тушган китобни иложи борича ўғрилиқ йўли билан, суратини олиб, кўпайтириб, сотишга ҳаракат қилишади. Муаллиф бечора ўзи чоп қилдирган китобини сота олмай ўтираверади, улар ўғирликдан бўлганлиги ва ўзларига арзон ёки бепул тушганлиги учун, тезроқ пул қилиш мақсадида, хоҳлаган нарҳида сотиб, муаллифнинг ҳаққини поймол қилишади.

Шунингдек, овоз тасмалари, компьютер дискетлари ва бошқалар савдосида ҳам мана шу ҳолни кўриш мумкин. Буларнингхаммаси жуда ҳам ноқулай бир ҳолат, ниҳоятда оғир мусийбат ҳисобланади. Ана шу ҳолат албатта мусулмон уламоларини ҳам ташвишга солган ва Маккаи Мукаррамадаги Ислом Фикҳи академияси мана шу масалани алоҳида кўриб чиқишга мажбур бўлган. Ҳозирги кунимизнинг кўзга кўринган катта уламолари аъзо бўлган бу фикҳ академиясида муаллифлик ҳаққитўлалигича, батафсил кўриб чиқилганидан сўнг, мусулмон умматига, мўмин-мусулмонларга қарата ўзларининг қарорларини чиқариб, муаллифларнинг муаллифлик ҳаққлари тўғрисидаги баёнотни берганлар. Ана шу баёнотда қуйида биз сўзма-сўз таржима қиладиган маънолар ифода қилинган:

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

«Баъзи пайтларда муаллиф ўзининг бутун умрини бир фойдали китоб таълиф қилишга сарфлайди. Ва ундан фойда кўриш учун нашр қилади. Шунда бошқа бир одам келиб, ҳалиги китобдан бир нусхани олади-да, ҳозирги замонда чиққан осон воситалар орқали ё чоп қилади, ё суратга олдириб у ҳам сота бошлайди. Унинг сотиши, албатта, муаллифнинг йўлинитўсади, унга қарши бир одамга айлантиради, ана шунинг оқибатида ҳалиги одам ҳеч қандай таълифга аралашмасдан, заҳматини чекмасдан, бировнинг меҳнати самарасини кўришга ўтади. Баъзи бировлар бу китобни бепул тарқатишлари ҳам мумкин. Лекин, ана шу бепул тарқатиши билан у ўзига шуҳрат қозонади, шуҳрат қозониш йўлида эса муаллиф бечоранинг чарчагани, ҳоригани, қилган меҳнати, ҳатти-ҳаракъатининг ҳаммасини зоега чиқаради. Мана шу фикрни ихтиро қилувчилар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бундай нарсалар бўлаверганидан кейин илми, заковатли, китоб таълиф қилишга, ихтиро қилишга қудрати етадиган одамларнинг ҳимматлари пасаяди. Чунки, улар ўзларининг меҳнатлари самарасини кўрмайдилар, бошқалар унинг меҳнатини қўлидан юлиб, тортиб оладилар ва ўзларининг фойдасига ишлатадилар, тижорат қиладилар, муаллифнинг йўлини тўсадилар. Ҳолбуки, у «тижоратчилар» бу китобнинг ёки ихтиронинг дунёга келишида ҳеч нарсасарфлаганлари йўқ, буни хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Замон ўзгариши билан, вазиятлар ҳам ўзгарди, янги-янгинарсалар чиқарилди, эндиликда ҳар ким ўзининг қилган меҳнатининг самарасини кўриши керак. Муаллиф ёки ихтирочи ҳам ўзи таълиф қилган асари ёки ихтиро қилган нарсасининг ҳаққдори бўлиши вожибдир. Бу ҳаққ ана шу муаллифнинг шаръий мулки ҳисобланади, бирор киши унга тажовуз қилмаслиги керак, унинг изнисиз кўчирмасликга, чоп қилмаслиги, сотмаслигикерак. Ана шу нарсаларнинг ҳаммаси-китоб

бўлсин, бошқа бўлсин, асосан, шариатга тўғри келадиган, залолатга бошламайдиган нарсалар бўлиши шарт билан, албатта. Шунингдек, ўша ёзилган нарсани нашр қилган ношир ҳаммуаллифнинг шериги бўла олмайди, у фақат муаллиф нимага аҳдлашган бўлса, шу аҳдга ҳаққли холос, бошқа нарсага ҳаққийўқ. Муаллифнинг изнисиз ношир китобнинг мазмунига ўзгартириш киритиши мумкин эмас ёки бирон ерини бошқача қилишга ҳаққи йўқ. Муаллифлик ҳаққи мерос бўлиб қолади, яъни муаллифнинг меросхўрларига ҳаққ ҳам мерос бўлиб қолади. Ана шу нарсаларнинг ҳаммаси халқаро шартномаларда ўз аксини топган, мана шу нарсаларнинг ҳаммасини мўмин-мусулмонлар амалга оширишлари керак, шариатга хилоф ишларни қилмаслик лозим, бу нарсаларнинг ҳаммасини жойига қўйиш вожиб ҳисобланади».

Мана, муаллифлик ҳаққи ҳақидаги Ислом Фиқҳи академияси уламолари чиқарган қарор. Бу қарор жуда муҳим бир ҳужжат ҳисобланади. Ҳар бир мўмин-мусулмон кимса муаллифнинг ҳаққини, ихтирочининг ҳаққини ҳурмат қилиши керак. Муаллифнинг ҳаққини поймол қилиш худди бир одамнинг бир жойга тўплаб қўйган мол-мулкини ўғирлаш билан баробар бўлади. Ана шуни ўғирлаб, олиб чиқиб сотиб, пул қилган одам қанчалик гуноҳкор бўлса, муаллифнинг изнисиз ундан беркитиб, китобини чоп қилиб ёки бошқа асарини бошқа услуб билан кўпайтириб сотаётганлар бировнинг молини ботил йўл билан еяётган ва Қиёмат кунда қоринларига оловни ейдиган шахслардан бўлади. Муаллиф изнисиз, ўғирликча унинг ҳаққини юлиб олиб, унинг ҳаққини тортиб олиб савдо қилаётганлардан нарса сотиб оладиганлар ҳам ўйлаб қўйишлари керак. Чунки бизнинг шариатимизда ўғирланган, ғасб қилиб тортиб олинган молларни сотиб олишга рухсат йўқ, улар ҳаром бўлади.

Шунинг учун, ана шундай ўғирлардан, муттаҳамлардан бировнинг ҳаққини тортиб олганларнинг маҳсулотини сотиб олишдан ҳам ҳазар қилиш керак. Балки асл нухани, ҳалол, тер тўкиб, меҳнат қилиб, йиллар давомида бутун билимини, ақлини, заковатини, кучини, қудратини сарфлаб асар юзага келтирган инсоннинг китобини ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиб, ўшалардан фойдаланилса, савоб йўлида тўғри иш қилиш бахтига муяссар бўлинади, ҳамма нарса ҳалол-пок, яхши бир суратда амалга ошган бўлади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзи барчаларимизга инсоф-тафвиқ берсин,
жумладан, муаллифларнинг, ҳаққдорларнинг ҳаққинипоймол қилиб,
ўзларига осон мол, пул топиш йўлига кириб олганларга ҳам инсоф берсин,
ҳаммамизни Аллоҳнинг шариатиғаамал қилиб, ҳалол, пок ризқ билан
ризқланиб юришимизда Аллоҳ таолонинг Ўзи мададкор бўлсин. **Валлоҳу
аълам!**